

ЮҚОРИ НАФАС ЙЎЛЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЙИҒМА ТАРКИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА СТАНДАРТЛАШ

Р.А.Абдуллаева, Н.Т.Фарманова

Ташкентский фармацевтический институт, г. Ташкент,
Республика Узбекистан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7192765>

Мавзунинг долзарблиги: Сўнгги йилларда табиий ўсимлик хом ашёлари асосида тайёрланган фитопрепаратлар замонавий тиббиётнинг муҳим йўналишини ташкил этмоқда, бундай дори шакллариининг организмга оптимал таъсири, хавфсиз ва безарарлиги айнан юқори нафас йўллари касалликларини даволашда чет эллардан келтирилган турли дори воситалари кенг қўлланилиши, шу билан бир қаторда Ўзбекистон флорасида бундай касалликларни даволаш учун қўлланиладиган ўсимликлар захираси етарли бўлишига қарамай, улардан доривор ўсимлик йиғмалари, маҳаллий мураккаб дори шакллари ишлаб чиқилмаганлиги муаммоли вазият ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида ишлатишга қулай, хаммабоп ва организм учун безарар бўлган озуқага биологик фаол қўшимча сифатида юқори нафас йўллари касалликларида қўлланиладиган янги фиточой таркибини ишлаб чиқиш ва унинг сифатини баҳолашда зарур бўлган сонли кўрсаткичларни аниқлаш ишнинг мақсадини ташкил этди.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Тадқиқотимиз объекти сифатида Ўзбекистонда саноат миқёсида ишлатишга етарли захирага эга бўлган, юқори нафас йўллари касалликларини даволашда қўлланиладиган доривор ўсимликларни ажратиб олдик. Адабиётлардан олинган маълумотлар ва фармакологик скрининг натижаларига асосланиб, қуйидаги таркибли фиточойни чуқурроқ ўрганишга киришдик: гулхайри илдизлари - 40 қисм; чучукмия илдизлари – 30 қисм; уч бўлакли иттиканак ер устки қисми -20 қисм ва маврак барглари - 10 қисмдан иборат йиғма таркибини ишлаб чиқдик. Лаборатория шароитида фиточой таркибини тайёрлаш учун унга кирувчи ўсимлик хом ашёларини стандарт ҳолатга келтириб, секаторда майдаланди ва тешиклари диаметри 5 мм ли элакдан ўтказилиб, керакли миқдорда алоҳида тортиб олинди. Таркибга кирувчи махсулотлар яхшилаб аралаштирилиб, қоғоз пакетларга қадоқланди ва ёрлиқланди. Фиточой сифатини назорат қилиш учун зарур бўлган кўрсаткичлар Давлат Фармакопеясининг “Йиғмалар” мақоласида келтирилган талаблар асосида таҳлил қилинди.

Натижалар: Фармакогностик таҳлил натижаларига кўра, фиточойнинг намлиги -12,79 %; умумий кул миқдори -8,81%; қўнгир рангга кирган хом ашё қисмлари-2,73%; органик аралашмалар-0,65% ва минерал аралашмалари – 0,47% ни ташкил қилди. Фиточойнинг биологик фаол моддалари (шиллик моддалар, сапонинлар ва полисахаридлардан иборат) турли гуруҳларга кирувчи бирикмалардан иборат бўлганлиги учун унинг сувда эрувчи экстрактив моддалар миқдори аниқланди ва у 24,85% ни ташкил қилди. Олинган натижалар фиточой учун меъёрий ҳужжат тузишда фойдаланилди.

Хулоса. Маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида юқори нафас йўллари касалликларида қўлланиладиган балғам кўчирувчи таъсирли фиточой таркиби ишлаб чиқилди ва уни фармакогностик таҳлил қилинди. Фиточойни озуқага биофаол қўшимча сифатида ишлатишга тавсия этилди.

REFERENCES

1. Государственная Фармакопея. Изд. XI. М., "Медицина", вып. I, 1987г. 285-295С.
2. Р.А.Абдуллаева, В.Р.Ҳайдаров "Абу Али ибн Синонинг фармация ривожига қўшган ҳиссаси ва замонавий фармацевтиканинг долзарб муаммолари" илмий - амалий конференция мақолалар тўплами. Тошкент, 2018.-Б.145-146.